

Очигини айтсам, бу гал паришонхотирлик тўгрисида ёзмокчиман. Ёзганларимдан паришонхотир кишилар хафа бўлишмайди, чунки улар паришонхотирликлари туфайли буни ўқишмайди.

Одатдаги одам учун паришонхотир киши азоб-укубатнинг ўзгинаси: у баъзида бошкаларнинг янгирок калишини ўзиникидай бемалол кийиб кетаверади, бошка бировнинг хотинини худди ўзининг хотинидай ўпиб олади. Берган ваъдаси хамиша ёдидан кўтарилади. Бир ишни ишониб топширсангиз, уни албатта унутади.

Тўгриси, менда ҳам баъзан шунака бўлиб туради.

Бир куни кандайдир ялтирок китобни сотиб олиб, китоб дўконининг пештахтаси олдида тургандим, ўша фаромуш зот кириб келди-да, ўзини хотираси кучли киши килиб кўрсатмокчи бўлди. Менинг олдимга тўгри келиб бидирлади:

— Менга китоб беринг!

Мен унга таажжубланиб карадим:

— Мен харидорман...

— Нимага бўлмаса сиз пештахтанинг ортида турибсиз? — деди у.

— Мен пештахтанинг ортида эмас, бу томонида турибман, — дедим энсам котиб.

Унга бу оддий мантик етарли бўлмади.

— Демак, мен харидор сифатида пештахтанинг у томонига ўтишим керак экан-да. Мен бир томонда бўламан, сиз карама-карши томонда. Каранг-а!

У мени мушкул ахволга солиб кўйдим деб ўйлаб, айёрона кўз кисди, аммо шу вақт хакикий сотувчи келиб колди ва сўради:

— Нима буюрадилар?

Шунда ўша тентак ёйилиб тиржайди ва бамайлихотир деди:

— Хў-анавини...

— Сизга нима керак ўзи?

— Менга китоб беринг.

— Канака китоб?

Унинг юзида азобли зўрикиш пайдо бўлди ва хижолат бўлиб деди:

— Халиги... бор-ку...

— Сарлавхаси нима эди?

— Гап шундаки, мен... сарлавхасини унутиб кўйибман. Мени халиги... Эхтимол, эсларман...

Сотувчи учун бундай гаройиб харидорга стул бериб, то эслагунича ўтириб туришини илтимос килишдан осони йўқ эди, аммо бу китобхон анойилардан бўлмасачи?

— Сиз эхтимол муаллифини эсларсиз? — деди сотувчи умид билан.

— Йўқ, муаллифини ҳам эслолмайман, аммо бош кахрамоннинг сочлари тим кора эканлиги аник.

— Э, бу билан иш битмайди. Корасоч кахрамонлар китобларда тўлиб ётибди! Унинг исми нима эди?

— Унинг исми... Худо хакки, эсладим! Бу сўзни, биласизми, бошка бир китобнинг муковасида ҳам кўрганман.

— Сиз мабодо нашриётнинг номини айтмаяпсизми?

— Э, куриб кетсин нашри! Эрак кишининг исми эди. Менга... ҳеч бўлмаса, Тургенов асарлари тўпламини беринг!

Сотувчи таажжубдан ёкасини ушлади.

— Ўраб бераверайми? — деди у нихоят енгил тин олиб.

— Кимни? Ўйлаб гапиряпсизми? — жахли чикиб кетди харидорнинг. — Мен ўраб кўйилган китоблардан у сўзни кандай топаман? Хар канакасини беринг... Ха, мана буни...

У Тургеновнинг китоби жилдидаги “Том ” деган ёзувга кафти билан уриб хитоб килди:

— Мана ўша исм, эсладим.

— Том ? Нима у, киролмиди?

— Э, бошга битган бало! Сизга ким айтди, уни кирол деб?

Харидор ўйланиб колди ва кейин кафти билан пешонасига урди:

— Ха, эсимдан чикибди! Унинг шахсий уйи бор эди.

Сотувчи огир нафас олди.

— Эслолмайсизми, унинг уйи шахарнинг кайси кисмида жойлашган эди? Даромади яхшимиди? Куриб кетгур ижарачилар ўз вақтида пул тўлаб туришармиди? А? Бир эслаб кўринг-чи.

Харидор саросимага тушмади, мутлако хотиржам, таъкидловчи руҳда деди:

— Буни эслолмайман... Аммо кимнингдир кариндоши бўлгани рост.

— Бекор гап. У ҳеч кимнинг кариндоши бўлмаган. Кариндошларни тикиштиришнинг нима кераги бор.

— У уларнинг амакиси эди.

— Кимларнинг?

— Уларнинг-да умуман!

Сотувчи тишларини гижирлатди. Унга рахмим келиб кетди.

— Чамамда, мен уни тушундим, — дедим яқинига бориб. — “Том тоганинг кулбаси”ни сўраяпти. Унга шу китобни беринг, даф бўлсин.

— Ха, ха! Мендан болалар “Том тоганинг кулбаси”ни сўрашганди, — кувониб кетди харидор.

Мен жахл билан ундан сўрадим:

— Нега энди сиз бир йўла, Томни кора танли деб айтмадингиз. Кора соч деганингиз нимаси?

У менга зарда билан кўз кисиб жавоб кайтарди:

— Унда сиз менга кора соч эмас, малласочли бирорта негрни топиб беринг-чи!

У пул тўлашни ҳам унутиб, китобни кўлтиклаганча кўчага чикиб кетди.